

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 342.634.(525.1)**

**ЖАМОЛОВ БЕКЗОД БАХТИЁРОВИЧ
ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ**

*12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни,
халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича
ҳуқуқ магистри академик даражасини олиш учун ёзилган*

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: юридик фанлар номзоди, доцент
ЮЛДАШЕВА ШОИРА РАХМАТОВНА

ТОШКЕНТ-2011

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3-9
1-БОБ. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси ва моҳияти	
1.1. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси, тартиби	3-9
1.2. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари	18-30
1.3. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш	30-34
2-БОБ. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналарнинг вояга етмаган болаларини жойлаштириш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари	35-43
2.1. Фарзандликка олиш	35-43
2.2. Васий ва ҳомий тайинлаш	43-47
2.3. Оилага тарбияга бериш (патронат)	47-56
ХУЛОСА	57-60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	61-66

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир¹.

Дарҳақиқат, оила ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жуда муҳим вазифаларни бажаради. Энг аввало у инсонни камол топтиради, ижтимоий қадриятлар ва миллий анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказишда асосий занжир вазифасини ўтайди.

Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар қандай давлат ва жамият албатта, фарзандлар таълим-тарбияси, уларни ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши ва тарбияланишлари ҳақида қайғуриши табиий. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар албатта, ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз², -деб таъкидлаганлари теран маъно касб этади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳар бир йилнинг долзарб йўналишлари, мазкур йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммо ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда номланиб келмоқда. Жумладан, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил –

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. *Т.: Халқ сўзи.-2010.- 16 ноябрь
Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси –ократик тарққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон.-2009 й. 3 б.

“Оналар ва болалар йили”, 2009 йил – “Ёшлар йили”, 2010 йил – “Баркамол авлод йили” деб номланди. Бу йилларнинг номланиши бир бирига ҳамоҳанг, мазмун моҳияти жиҳатидан бири бири билан узвий боғланганлигини кўриш мумкин. Энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига – маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, фан ва бошқаларга қизиқтириш муҳим ҳисобланади. Шу маънода олганда шахс хусусиятлари ва унинг баркамолликка интилиш даражалари, шахсни комил инсонга айлантириш таълимнинг мақсади сифатида кўрилиши бежиз эмас, албатта.

Маълумки, оиланинг асосий таркиби ота-оналар ва болалардан иборат. Улар давлатда фуқаро, жамиятда шахс сифатида ҳуқуқий мақомга эга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари юридик жиҳатдан муҳофаза қилинади. Улар айна вақтда оила аъзоси ҳамдир. Уларнинг бундай талқиндаги ҳуқуқий ҳолати ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Оила – бу яшаш муҳити, мураккаб ўзаро муносабатлар мажмуи, инсон шаклланувчи макон. Шу нуқтаи назардан олганда ота-оналар ва болаларнинг айнан ота-она ва бола сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва бунда улар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ёш авлодга, айниқса, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ушбу давлат сиёсатини амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тизими яратилган. Давлат сиёсатининг асосий мақсади болаларга муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш, уларни соғлом ва маънавий баркамол, билимли инсон қилиб етиштириш ҳисобланади. Ушбу давлат сиёсатининг ҳуқуқий негизлари замирида ҳам оилавий-ҳуқуқий нормалар етакчи ўринни эгаллайди. Бинобарин, оилавий-ҳуқуқий ҳимоя воситалари самарадорлигини илмий таҳлил этиш давлатнинг болаларга ғамхўрлиги бўйича давлат сиёсатининг амалий жиҳатлари билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда халқаро стандартлар ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ота-оналар ва болалар ҳуқуқлари мазмуни ва уларни ҳимоя қилиш ҳам бундан истисно эмас. Шу жумладан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларга нисбатан жойлаштириш шаклларини белгилаш долзарб ва аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда инсон ҳуқуқлари, болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенциялар ва битимлар иштирокчиси ва улар миллий қонунларга имплементация қилинмоқда. Шу муносабат билан халқаро Конвенциялар ва оилавий-ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни илмий мушоҳада қилиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар орасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масалалари озгина бўлса-да учраб туради. Ушбу ҳолатларни юқоридаги ижтимоий, иқтисодий ва табиий омиллардан туриб ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян хулосалар бериш мазкур магистрлик диссертация ишининг долзарблигини ташкил қилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва МДҲ мамлакатларида оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва мустақкамлашга қаратилган бир қатор илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу олиб борилган изланиш натижалари амалиётга кенг жалб қилиниб келинмоқда.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга доир илмий ишларнинг қисман мавжудлигига қарамай, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, уни чеклаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг вояга етмаган болаларига нисбатан бўлган шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари шунингдек, ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши каби масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян фикр-мулоҳазалар бериш эътибордан биров четда қолмоқда.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи бир қатор олимлар томонидан у ёки бу даражада ўрганилганлигини кўриш мумкин. Жумладан,

Ф.М.Отахўжаев, Х.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, Ш.Ш.Шорахметов, М.С.Восиқова, Д.М.Караходжаева, М.Х.Баратов, Г.М.Тансиқбаева, Ш.Р.Юлдашева, Г.С.Инамджанова, З.Н.Эсанова, У.Ш.Шорахметовалар томонидан ушбу масаланинг айрим қирралари у ёки бу томонидан очиқ берилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан, О.П.Павлова, Л.П.Пчелинцова, А.М.Нечаева, М.А.Антокольская, В.В.Рясенцев, Б.Х.Худояров, Г.Ф.Шершеневич, М.М. Клячко, Е.М.Ворожейкин, А.И.Заговорский, Н.В.Летова³ ва бошқалар томонидан эса ушбу масала қисман тадқиқ этилган. Бундан кўриниб турибдики, тадқиқот мавзусининг ўрганилиши, унинг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг мақсади ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш институтини татқиқ этиш, бу борада ҳозирги кунда давлатимизда мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ва қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш соҳасидаги тақлифларни ишлаб чиқиш, тавсия ва хулосалар бериш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини асослантирилган ҳолда кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчасига илмий-назарий таъриф бериш;
- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ўртасидаги нисбатани илмий таҳлил қилиш;

³ Ф.М.Отахўжаев. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995; Развитие законодательства о браке в Республике Узбекистан и проблемы его дальнейшего совершенствование. Автореф. дисс. д. ю. н. -Т.: 2000; Республикасининг Оила ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2005; И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: 2009; И.Б.Зокиров, М.Х.Баратов. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Т.: Адолат. 1998; Ҳ.Р.Раҳмонкулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997; Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 2001, Л.П. Пчелинцова. Семейное право. -М.: Норма-инфра. 1999; А.М. Нечаева. Семейное право. Курс лекций. -М.: Юрист. 1998; М.А. Антокольская. Семейное право. -М.: Юрист. 1998; В.А. Рясенцев. Семейное право. -М.: 1991; Б.Б. Худояров. Защита прав и интересов детей по семейному праву Республики Таджикистан. Автореф. дисс. к. ю. н. -Душанбе.: 2000

- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқӣ оқибатларини таснифлаш;
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш шакллари ҳуқуқӣ жиҳатдан таҳлил қилиш;
- Ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган вояга етмаган болаларни фарзандликка олишни ҳуқуқӣ жиҳатларини очиб бериш;
- Ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган вояга етмаган болаларга васий ва ҳомий тайинлашни илмӣ таҳлил қилиш;
- Ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган вояга етмаган болаларни оилага тарбияга бериш (патронат) масаласини очиб бериш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир амалӣ тақлифлар киритишдан иборат.

Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш институтини такомиллаштириш ва ижобӣ самарага эришишни таъминловчи илмӣ-назарӣ, илмӣ-амалӣ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ҳар томонлама илмӣ-амалӣ жиҳатдан ўрганиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ҳуқуқӣ тартибга солувчи оила қонунчилигини татқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг назарӣ асослари. Оила ҳуқуқи соҳасидаги мамлакатимиз ва МДҲ давлатларидаги ҳуқуқшунос олимларнинг назарӣ асослари, мазкур мавзуга оид нашр қилинган мақола ва рисолалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг методологик асосини. Фанда ишлаб чиқилган билимнинг умумилмӣ усуллари, жумладан, тарихӣ, мантиқӣ, статистик ва амалиёт материалларини умумлаштириш усуллари ташкил қилади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосӣ ҳолатлар.

Тадқиқот ишида илк маротаба мамлакатимиз миллий қонунчилиги негизида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ҳуқуқӣ тартибга

солишнинг назарий-амалий муаммолари янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш босқичида оилавий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилмоқда.

Амалдаги оила қонунчилиги, уни қўллаш амалиёти жамиятимизнинг бугунги ривожланиш босқичига мос равишда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ муносабатларни лозим даражада тартибга солишни таъминлаш, давлатнинг ижтимоий тарбиялаш функцияси ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси, шартлари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг вояга етмаган болаларини жойшлаштириш шакллари татқиқ этиш жараёнига янгича ёндашилди.

Диссертация ишида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг вояга етмаган болаларини жойшлаштириш шакллари ҳам қиёсий ҳуқуқий таҳлил этилди ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг легал таърифини берилмаган. Назаримизда, оила қонунчилиги нормаларини таҳлил қилиш натижасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга қуйидагича илмий-доктринал таъриф бериш мумкин:

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш – бу ота-оналарнинг вояга етмаган болаларига нисбатан ўз ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада бажармасликлари, шунингдек, уларга маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам бермаслик, уларни ҳаётини хавф остида қолдириш, шунингдек, боланинг интеллектуал салоҳиятини намойиш қилишида унга нисбатан чекловлар қўйиш ва бошқа ҳар қандай салбий ҳолатларни амалга ошириш ҳисобланади.

Юридик адабиётларни ўрганиш, амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатади, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш кенг қамровли ва аҳамиятли тушунча бўлиб, уни қуйидагича кўриб чиқиш мумкин:

-ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш натижасида вояга етмаган болаларни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган деб топиш ва болаларни жойлаштириш шакллари белгилаш;

- ҳуқуқий институт;
- юримдик факт;
- ҳуқуқий муносабат.

Диссертация ишида ушбу ҳолат батафсил ўрганилади ва таҳлил этилиб, тегишли таклифлар илгари сурилади.

Илмий янгилиги ягоналаштирилган ҳолда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юримдик факт сифатида илмий-назарий жиҳатдан ўрганилганлиги, унинг шартлари, тарбиби ва ҳуқуқий оқибатлари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналарнинг ва вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг мазмуни, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва мулоҳазалар илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлиги ишларида, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик жараёни нормаларини ривожлантиришда маҳаллий давлат бошқаруви ва адлия, суд идораларининг амалий ишларида, шунингдек ўқув жараёнида қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот иши кириш қисми, икки боб, 6 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ.Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси ва моҳияти

1.1.Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси ва тартиби

Минг йиллик тарихга эга бўлган оила институти инсоният цивилизациясининг бўлинмас қисми ҳисобланади. Оиланинг жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларидан бири сифатидаги аҳамияти давлатнинг мазкур институтга нисбатан сиёсатининг шаклланиши билан боғлиқ анъана ёрдамида кўрсатилади. Шу муносабат билан америкалик социолог олим А. Калсон шундай эътироф этади: “боланинг ўзаро муносабатлари никоҳ орқали боғланган ота-онаси билан яшаш ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш учун ҳукумат қонуний никоҳнинг мавқеини ошириш, ажралишнинг аҳамиятини пасайтириш ва ҳар бир оиланинг мустақиллигини тан олиш мақсадида барча тегишли чораларни кўриши керак”⁴.

Оилавий тарбия устуворлиги омилини амалга ошириш анъанавий равишда боланинг биологик ота-онаси билан қондош оилада вужудга келади. Бу мақсад учун қонун ота-оналарга ўз болаларини шахсан тарбиялаш ҳуқуқини беради. Айни пайтда ота-оналар вояг аетмаган болалари фойдасига тарбиявий характердаги ҳаракат ва ишлар бажариш имкониятини қўлга киритадилар. Шу билан бирга, ота-оналар ўз болаларини тарбия қилишлари лозим.

Одатда, ҳар қандай бола оилада дунёга келади, тарбияланади ва вояга етади. Бироқ, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, натижада болалар ўз ота-оналарининг қарамоғидан маҳрум бўлиб қоладилар. Ушбу ҳолатларни шартли равишда объектив ва субъектив сабабларга ажратиш мумкин. Масалан, объектив сабабларга: ота-онанинг ўлими, уларнинг оғир касалликка чалиниши, турли хил бахтсиз ҳодисалар, муомала лаёқатини йўқотиши, фавқулодда вазиятларда (табiiй офатлар, ҳарбий ҳаракатлар жараёнида) болани йўқотиб қўйиши ва ҳ.к.ларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Баъзи объектив сабаблар ота-оналар ўз болаларига нисбатан ғайриҳуқуқий хулқ-атвори натижасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлиши кабилар билан изоҳланса,

⁴ А.Карлсон. Семья и её функции. Материалы международной научно-практической конференции на тему: Несовершеннолетние дети и их судьбы. М.2004.

баъзида ота-оналар ўз ота-оналик мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган хулқ-атвори натижасида содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки қamoқ жазосига ҳукм қилинишида ифодаланиши мумкин.

Болаларнинг ўз ота-оналари қарамогидан маҳрум бўлишининг субъектив сабабларига, одатда, ота-оналарнинг ўз болаларига нисбатан ғайриҳуқуқий хулқ-атворда бўлиши билан боғлиқ. Масалан, болалар билан шавқатсиз муносабатда бўлиш (жисмоний куч ишлатиш, дўппослаш, қийнаш и ҳ.к.); ота-оналарнинг туғруқхоналардан, тарбия ва бошқа муассасалардан болаларни олишдан воз кечиши; болаларни жамоат жойларида ёки бегона шахсларда қолдириши; болаларни уйда зарур озик-овқатсиз, дора-дармонсиз қолдириш; фарзандига кийим-кечак, мактаб анжомлари олиб беришни хоҳламасликларида ва ҳ.к. ифодаланиши мумкин⁵.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси ҳам оила ҳуқуқининг муҳим ҳуқуқий институтларидан ҳисобланади.

Оила кодексининг 79-моддасига биноан, ота-она ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажармасалар у ҳолда улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Бундан ташқари, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми⁶да тушунтирилишича, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмасликларини англатади. Табиийки, бундай ҳаракат (ҳаракатсизлик) болани ҳалокатга олиб келиши мумкин;

- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса. Бу ҳолат “туғруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси

⁵ Гражданское право. Учебник: в 3 т. Т.3. //Под ред А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект. 2004. -507 с.

⁶ “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори.//Қонун номи билан. 1998. №3. -34 б.

комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим”⁷. Оила ҳуқуқининг умумий асосларидан келиб чиқиб, ота-онанинг розилигисиз вояга етмаган болаларни фарзандликка олишга йўл қўйилади. Асосий мақсад болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилади. Чунки янги оилада ота-она боланинг қонуний вакиллари васий (ҳомийлар)и фарзандликка олувчи шахслар ҳисобланадилар⁸;

- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир кўрсатса. Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деганда, бу ҳуқуқлардан болаларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланишни, масалан, ўқишга, жамоат топшириқларини бажаришга тўсқинлик қилишни, тиланчиликка ундашни, уни спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ўргатиш, жиноят қилишда, жиноий йўл билан даромад топишда вояга етмаганни жалб қилишни тушунмоқ керак”, – дейилади Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарориди.

- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб танилганидан қатъий назар амалга оширилиши мумкин;

- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш сўнгги чора бўлиб ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга таъсир қиладиган ҳамма чора-тадбирлар тегишли натижа бермаганидан сўнг қўлланилади.

Ота-оналик ҳуқуқини чекланиши эса суд томонидан боланинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмай туриб, бола ота-онадан ёки уларнинг биридан олиниши тўғрисида

⁷Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори.//Қонун номи билан. 1998. №3. -34 б.

⁸ Б.Т.Худаяров. Защита прав и интересов детей по семейному праву Республики Таджикистан. Автореф. На соиск.уч.степ. к.ю.н... -Душанбе.: 2000. -21 б.

ҳал қилув қарори чиқарилиши билан амалга оширилади. Оила қонунчилигига биноан, агар ота-оналик ҳуқуқи чеклангандан сўнг ўз хуқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этади.

Амалдаги Оила кодексининг 80-моддаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибини белгилайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, яъни, бобо-буви, бошқа қариндошларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади. Даъво ю.ф.н. Э.Э.Эгамбердиевнинг фикрича, яъни низоли моддий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадаиган ва муайян процессуал тартибда кўриш ва ҳал қилиши учун суд ёки бошқа ваколатли органда кўзғатилган талаб тушунчаси билан даъвога бўлган ҳуқуқ тушунчаси чамбарчас боғлиқдир⁹.

Айни вақтда суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (ёки уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳам ҳал қилади.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишларини кўришда ота-она (ёки улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда хусусий ажрим чиқариш йўли билан прокурорга хабар бериши шарт. Айни вақтда суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарорнинг кўчирмасини боланинг туғилганлиги давлат

⁹ Э.Эгамбердиев. «Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари». Т., «Камалак, 1996 йил.

томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Республика судлари томонидан 2010 йилда 675 та ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишлари кўрилган бўлиб, шулардан 587 таси бўйича ҳал қилув қарор қабул қилинган, 88 таси бўйича суд ажримлари билан ишлар ҳаракатдан тугатилган. Кўрилган ишларнинг 97,2 фоизида прокурор, 95,7 фоизида васийлик ва ҳомийлик органи иштирок этган¹⁰.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларининг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Ш.Шорахметов ҳам даъво масалаларига тўхталар экан, “ҳуқуқнинг ёки қонун билан қўриқланадиган манфатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга ёки бошқа ваколатли ташкилотга мурожаат қилиниши”¹¹ эканлигини таъкидлайди.

Бу ерда даъво кўзғатиш ҳуқуқи фуқаролар, давлат манфатларини ва ташкилотларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини биринчи инстанция судида ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси бўлиб кўринади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишлари ҳам фуқаролик ишлари бўйича

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2010 йил 1-ярим иш режасининг 4 бўлим 4-бандига асосан мамлакат миқёсида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишларини умумлаштириш материаллари 2010 йил 2 май.

¹¹ Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т., Адолат, 2001, 149 б.

туманлараро судларида даъво қўзғатиш ишлари бўйича амалга оширилишини эътироф этган ҳолда, шуни ҳам эслатиш ўринлики, ФКнинг 11-моддасига биноан бир қатор бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари нормаланди. Уларга қуйидагилар киради:

-ҳуқуқни тан олиш;

-ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

-битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

-давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

-шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш;

-бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

-зарарни тўлаш;

-неустойка ундириш;

-маънавий зиённи қоплаш;

-ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

-давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги¹².

Булар орасида бир қатор усуллар, чунончи, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, маънавий зиённи қоплаш кабилар ўзига хос аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушуб усуллар орасида давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги каби усуллар мустақиллик даврида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, муқаддам собиқ тоталитар тузум

¹² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.2007.

хукумролик қилган йилларда фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг бу каби усуллари ҳақида умуман гап-сўз бўлиши ҳам мумкин эмасди¹³.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси умумлаштириш жараёнида қонун талабига зид равишда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан алимент ундириш масаласи ҳал этилмай қолиши, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмаслик ҳоллари ҳам аниқланди.

Жумладан, Тошкент шаҳар Юнусобод туманлараро туман суди томонидан туман прокурори даъвоси билан жавобгар А.Носированинг икки нафар фарзандига оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида 2009 йилда ҳал қилув қарори қабул қилинганда, жавобгардан алимент ундириш масаласи ҳал этилмаган.

Шунингдек, Тошкент вилояти Зангиота туманлараро суди томонидан 2009 йил 17 декабрда шаҳар прокурорининг жавобгар А.Кимга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилган, аммо ушбу ҳолатда ҳам жавобгардан алимент ундириш масаласи ҳал этилмаган.

Бир қатор европа давлатларининг никоҳ-оила қонунчилигидаги ислоҳотлар натижасида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анча кучайтирилган, ҳимояни амалга ошириш устидан назорат кучайтирилган. Масалан, Нидерландияда ота-оналарнинг болаларга нисбатан ўз мажбуриятларини бузиш ҳолларида (болани боқмайдилар, ғамхўрлик қилмайдилар, унинг тарбияси билан шуғулланмайдилар ва ҳоказолар), вояга етмаганлар ишлари бўйича судья оила устидан назорат ўрнатиш ва оила устидан назорат ўрнатиш агентлиги томонидан ажратилган оила инспекторини тайинлашга ҳақли. У бола тарбиясида ёрдам кўрсатади ва ижро этилиши шарт бўлган зарур қарорлар қабул қилади. Агар ота-оналар инспектор кўрсатмаларига риоя қилишдан бош тортсалар, болани оталиққа берадилар, ота-оналарни эса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этадилар.

¹³ М.Баратов. Янги фуқаролик кодекси//Ҳаёт ва қонун. 1997, 5-сон, 23 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан берилган болалар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқини суиъёмол қилиш деганда болалар манфаатларига зид ишни тутишни, масалан, ўқишга, жамоат топшириқларини бажаришга тўсқинлик қилишни, тиланчилик, спиртлик ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ундашни, уни жиноий ҳаракатга жалб қилишни тушнумоқ керак.

Болага нисбатан ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзолари шафқатсиз муносабатда бўлсалар, ота-она бунга қаршилик қилмаса, бу ҳолда ота-оналик ҳуқуқи Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ чекланиши мумкин.

Болани ота-она ёки уларнинг бири билан қолдириш ота-онага ёки уларнинг бирига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавfli бўса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (ёки уларнинг бири) билан қолдириш оқибатида уларнинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Ота-она ёки уларнинг бир ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда бир табиий савол туғилади? Хўш, Оила кодексининг 79-моддаси бешта ҳолатни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос қилиб кўрсатар экан, нима учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ота ёки онанинг фоҳишабозлик билан шуғулланиши, мунтазам равишда болаларини тиланчиликка ўргатиши, уларни маънавий дунёсини бойитишга ўз ҳиссасини қўшмаслиги сабаб бўла олмайдами? - деган саволлар келиб туғилади.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 79-моддасига кўшимча олтинчи, еттинчи қисмлар сифатида қуйидаги жумлаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, ота-оналар ёки ота (она)дан бири фоҳишабозлик билан мунтазам равишда шуғулланса;

Ота-она ёки улардан бири ўз фарзандини маънавий дунёкарашига ҳисса кўшмаса ҳамда уларни доимий равишда тиланчиликка ўргатса, деган нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Фиркимизча, мазкур масаллар ҳам 79-моддада ўз ифодасини топса Оила кодексининг ушбу нормаси янада ҳам такомиллашган ҳамда ота-оналарнинг ўз ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари бажаришга ижобий қараш учун хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бу бевосита ота-оналарнинг ўз ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари, шунингдек, ўз болаларига нисбатан Оила кодексининг 79-моддасига белгиланган ҳолатдан бири амалга оширишлари ўз навбатида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлиб хизмат қилар экан.

1.2.Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Асосий қонунимизнинг 63-моддасида "Оила-жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб ёзилган. Маълумки, оила жамиятнинг муҳим бўғини сифатида болалар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Оиладаги ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабат нафақат оила қонунчилиги билан, балки жамиятда муҳим қадрият сифатида шаклланган ахлоқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган иззат-ҳурмати, муомаласи оиладаги маданиятни ифодалайди. Бундай оиладаги маданият фарзандларнинг яхши тарбия олишларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 19-моддасига мувофиқ эр-хотин

оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар деб кўрсатиб ўтилган. Демак, ота-она ўз фарзандларига нисбатан ҳам тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб ҳисобланадилар. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ва камолати учун жавобгар ҳисобланадилар. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Муқаддас Ҳадиси Шарифда ҳам "фарзандларингизни иззат-икром билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланганлар" деб хитоб қилинган.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатига хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланиб, бахтиёр ёшлиқни таъминланиши кўзда тутилади. Бизнинг ҳаётимизда болаларни тарбия қилишда оиланинг ролига алоҳида аҳамият берилади. Мамалакатнинг ёш фуқароси қандай бўлиб етишиши кўп жиҳатдан оилага, айниқса, онага боғлиқдир. Жамиятнинг бошланғич ячейкаси бўлган оилада кишилар маънавий етуклик олади, ҳаётдаги ўз ўрнини чуқур тушуна бошлайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан берилган болалар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Фалсафанинг умумий қонуниятларига кўра, ҳар бир нарсада мантиқ ётади. Унинг категорияларидан бири сабаб ва оқибат бўлиб, унга кўра ҳар бир оқибат муайян шарт-шароитлардан, сабаблардан вужудга келади. Ўз навбатида, сабаб ва шарт-шароитлар муайян оқибатлар туғдиради.

Билишнинг мазкур диалектик қонуниятларига асосланадиган бўлсак, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қатор ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Аслини олганда, ҳуқуқий оқибатларсиз ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ўзиёқ нақадар жирканч, нақадар аянчлидир. Шу ўринда яна бир нарсени алоҳида таъкидланшни истрадикки, мазкур масала ҳақида

гап кетганда, ғарб ва шарқ мамлакатадаги, хусусан ўзбек миллати минталитетидаги ўзига хосликлар ҳам эътиборга моликдир.

Маълумки, оила ҳуқуқи бола манфаатларини устувор деб билади. Шу маънода, оидалаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, юқорида айтганимиздек қонунчилик уни ушбу оилада, шароитда қолишига йўл қўймайди. Аслида мазкур тадқиқотни амалга оширишдан кўзланган мақсад ҳам ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни аниқлаш, жойлаштириш шаклларини ўрганишдан иборат. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлик туфайли вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатлар ва бунда асосий эътибор болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари нима бўлади, уларнинг тақдири қандай бўлади?,-мазкур саволларга жавоб излашдан ва улар бўйича муайян жавоб беришдан иборатдир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, унинг манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қимматлари ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Шу маънода болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки биз сўзлаётганимиздек, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари маҳаллий органлар бўла олади. “улар вояга етганларга нисбатан васийликни амалга ошириши: ёш болаларга нисбатан – халқ таълими бўлимларига; руҳий касал ва ақли заифларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига; васийликка олувчиларнинг бошқа тоифаларига нисбатан эса-ижтимоий таъминот бўлимларига юклатилади»¹⁴.

¹⁴ И.Зокиров. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи». Дарслик. Т., «Адолат», 1996 йил 42-бет.

Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”¹⁵, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”¹⁶ларида айтилганидек, “... барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар».

Ушбу халқаро ҳужжатларда боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи алоҳида нормаланган. Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, табиийки, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга ошира олади. Бола ота-оналар томонидан қилинадиган суистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Масалан, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилиш қабилар. Айнан Оила кодексининг 79-моддаси 4-хатбошисида, «ота-она ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин»лиги нормаланган.

Шуниси муҳимки, боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (ёки улардан бири) боланинг таълим-тарбиясида ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганида ё бўлмаса ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганида бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриши шарт.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, ғарбий Европада, АҚШда болаларни шахс сифатида камол топиш жараёни тезлашмоқда. Бу ҳолат аниқса болаларнинг маънавий дунёсида индивидуализм (ҳар бир масала бўйича ўз қарашларига эгалик,

¹⁵ «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция». Т., “Адолат”, 1996 йил

¹⁶ «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция», Human right fact sheet 10 the rights of the child тўплами. Женева, 1991 йил.

бошқаларнинг таъсирида бўлмасликка интилиш, маълум маънода худбинлик, бошқалар манфаатини ҳисобга олмасдан ўз манфаатларини устувор қўйиш) хусусиятларининг яққол кучайишида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Салбий жиҳати шундан иборатки, бунда асрий баҳс – оталар ва болалар ўртасидаги зиддият чуқурлашади, болаларнинг катталар таъсиридан чиқиши кутилмаган ва баъзан мудҳиш оқибатларга олиб келади. Ижобий томони шундаки, болалар катталар, айниқса, ота-оналар уларга нисбатан ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилишларига йўл қўймайдилар. Масалан, сўнгги йилларда Англияда ўзларига нисбатан шафқатсиз муомалада бўлган ота-оналарни судга берган болалар сони анча кўпайди. Албатта, ғарб билан Шарқ минталитети, қадриятлари ўзига хос фарқларга эга. Бироқ, инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан олганда болаларни ўз ота-оналари, васий, ҳомийлари ва бошқа қонуний вакиллари билан низолашиш имкониятлари мавжудми? – деган савол туғилиши табиий. Умумий қоида бўйича бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларни кузатиб бориш маҳалла, мактаб, қўни-қўшни, участка милиция нозири томонидан амалга оширилади. Агар бу муносабатларда нормал табиий-исоний мезонлар бузилса, биринчи галда юқоридаги субъектлар бонг уришади. Боланинг ҳуқуқларини ҳимояси ҳақидаги масалани ваколатли давлат идоралари (милиция, суд, прокуратура) олдига қўйишади. Боланинг ўзи ҳам юқорида кўрсатилган шахсларга ва идораларга ҳимоя сўраб мурожаат этишга ҳақли. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, халқимиз болажон халқ, ота-она учун фарзанд азиз, бола манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Шу сабабли ота-оналар ўз болаларини қаровсиз ташлаб қўйиши, шафқатсиз муносабатда бўлиши ҳоллари деярли кам учрайди. Кўп ҳолларда, ота-онанинг болани тергаши, назорат қилиши (масалан, муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, турли хил зиёфатлар, улфатчиликларга қатнашишни тақиқлаш ва ҳ.к.) бола манфаатлари нуқтаи назаридан, уни ҳалол, баркамол инсон бўлиб камол топишини кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракатлардир.

Умуман олганда, қонун ҳужжатларидаги ҳолатлар ва турмушдаги воқеликлардан келиб чиқиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилган.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ўлатга қараб, болаларни жойлаштириш шакллари танилади, шунингдек, бундай буён уларга таъми нот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

Васийлик ва ҳомийлик органидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йқл қўйилмайди.

Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар борлигидан хабардор бўлган муассасалар (мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш ва бошқа муассаса)ларнинг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар бу ҳақда болалар турган ждойдаги васийлик ва ҳомийлик органига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай хабар олган кундан бошлаб уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши шарт бўлиб, бунда бола ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлигини аниқласалар, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминглаши шарт бўлиб ҳисобланади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассаси ва шунга ўхшаш муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага ёки тарбиялаш муассасаларига тарбиялаш учун жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар

васийлик (ҳомийлик) мажбуриятларини бажариш вақтинча васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Демак, бугунги хулоса шундайки, инсон ва унинг манфаатлари бизнинг мамлакатимизда биринчи ўринда туради. Тўғри, бу ўринда давлатнинг ҳам мавқеини пасайтирмаймиз. Назариётчилар айтганидек, давлатнинг асосий ижтимоий вазифаси унинг ҳудудида истикомат қилаётган барча фуқаролар, миллатлар ва эллатлар, ижтимоий ва этник гуруҳларнинг жиспигини таъминлашдан иборат экан, давлат бу соҳадаги ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади.

Демак, гап фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқларига бориб тақалмоқда.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар деганда, шахсдан ажратиб, бегоналаштириб бўлмайдиган, мулкий характерда бўлмаган ҳуқуқлар тушунилади¹⁷.

Дарвоқе, шахсий номулкий ҳуқуқлар юриспруденцияда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар предметининг таркибий қисмини ташкил қилса, оилавий-ҳуқуқий муносабатларда эса асосий қисмини ташкил қилади.

Шахсий-номулкий ҳуқуқлар ҳам ўз навбатида икки туркумга: мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга, мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга бўлинади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш шакллари ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳум бўлган ота-оналарнинг вояга етмаган болаларини ҳам жойлаштириш ҳам бевосита шахсий номулкий муносабатлар таркибига кириб кетар экан.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга мисол қилиб, интеллектуал фаолият натижаларга бўлган ва муаллифлик ҳуқуқига доир муносабатларни кўрсатса бўлади. Бу муносабатлар фақат

¹⁷ И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов, «Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар». Т., ТДЮИ нашриёти, 2003 йил. 87-бет.

мулкий ҳуқуқларнигина эмас, балки уларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳам, чунончи, асарни ўз номи билан ёки номини кўрсатмасдан аноним тарзда нашр этиш, асарнинг дахлсизлиги ҳуқуқлари, ихтиронинг муаллифи бўлиб танилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни ҳам белгилайди.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар ФКнинг 100-моддасида кўрсатилган шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ муносабатлардан иборат. Яъни, фуқаронинг ушбу ажралмас ҳуқуқларига путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, фуқаро суд орқали раддия талаб қилишга ҳақли.

М.Х.Баратов мулкий мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатлар шахснинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқлардир. Одатда, шахсий-номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари сингари товарларнинг умумий эквиваленти ҳисобланган пулга (муайян суммадаги пулга) алмаштириб, тенглаштириб бўлмайди. Шахсий-номулкий ҳуқуқларга шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи кабилар киришини кўрсатади¹⁸.

Дарҳақиқат, М.Х.Баратов тўғри таъкидлаб ўтганидек, амалдаги қонунчилик кўра, фуқаро ёки ташкилот ўз шаънига доғ туширадиган ва кадр-қимматини, ишчанлик обрўсини пастга урадиган маълумотларнинг, агар ана шу маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқат эканлигини исбот қила олмаса, ҳуқуқи бузилган шахс суд орқали раддия талаб қилишга ҳақлидир. Бунда қонунан шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда шахснинг жамиятда ўз меҳнати билан тутган ўрни, топган обрўсини назарда тутаяди. Фуқаролик қонунчилигида бундай қоидаларнинг бўлиши шахсларнинг ҳуқуқлари яна ҳам кенгроқ ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор берилганлигини билдиради.

¹⁸ М.Х.Баратов. Шахсий номулкий ҳуқуқлар. //Ҳаёт ва қонун.-2004.- Б.8

Шаън – фуқаронинг муайян даражада тақдирланиши, унинг ижтимоий ҳолатидир. кадр-қиммат эса мазкур ҳолатнинг соҳиби онгида акс эттирилиши, яъни, жамият томонидан тақдирланишига кўра, шахснинг ўз-ўзига берган баҳосидир.

Ишчанлик обрўси жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаролик муомаласида иштирок этганидаги инсофли ёки инсофсиз ҳаракат қилишини билдиради.

Бирон-бир фуқаронинг ёки ташкилотнинг номига, шаънига доғ туширишга, бадном қилишга, кадр-қимматини пастга урадиган маълумотларни тарқатишга қонун йўл қўймайди. Бундай ҳолларда ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг, жиноят қонунчилиги нормалари (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-140 моддалари) билан қўриқланиши-қўриқланмаслигидан қатъи назар, фуқаролик қонунчилиги билан ҳимоя қилинади.

Ҳар қандай салбий маълумотлар шаън ва кадр-қимматни, ишчанлик обрўсини пастга урадиган ёки унга доғ туширадиган маълумотлар ҳисобланавермайди. Фуқаролик қонунида назарда тутилган маълумотлар, биринчидан, бировнинг шаънига доғ туширадиган ёки кадр-қимматини, ишчанлик обрўсини пастга урадиган бўлиши, иккинчидан, бу маълумотларнинг тарқатилган бўлиши ва, учинчидан, мазкур маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлиши керак.

Фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар қайси оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айти шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим.

Бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади, лекин у обрўга путур етказувчи маълумотларни тарқатиш усулига ва характериға мувофиқ бўлиши шарт.

Демак, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналарнинг вояга етмаган болаларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирги кунда ўта долзарб ва ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланар экан. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандлика олинган бўлмаса, турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилади.

Суднинг қарорига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналар қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум

бўладилар. ушбу ҳуқуқлар уч гуруҳга бўлинади: Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради:

Ўз болаларини шахсан тарбиялаш;

бола билан кўришиб туриш;

боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

келажакда вояга етган болаларидан таъминот олиш ҳуқуқи;

вафот этган боласидан қонун бўйича мерос олиш.

Икинчи гуруҳга давлат томонидан шахсан ота-оналарга бериладиган қуйидаги имтиёзлар киради:

Дам олиш кунлари меҳнатга жалб қилишни чеклаш;

қўшимча таътил бериш, белгиланган имтиёзли меҳнат режасини қўллаш;

бола уч ёшга тўлгунча уни парвариш қилиш учун бериладиган таътилдан фойдаланишлик;

болага 14 ёшга тўлгунга қадар белгиланган тўлиқ бўлмаган иш куни ёки иш ҳафтасини қўллаш;

беш ва ундан кўп бола туқан ва тарбиялаган оналарга имтиёзли пенсиялар бериш ва давлат томонидан белгиланган бошқа имтиёзлар.

Учинчи гуруҳ таркибига болалари бўлган ота-оналар учун давлат томонидан бериладиган турли нафақа ва ёрдамлар киради. Булар:

Болалари бўлган фуқароларга давлат томонидан бериладиган моддий ёрдам ва нафақалар;

Бола икки ёшга тўлгунча меҳнат билан банд бўлган аёлларга болалари учун бериладиган нафақалар;

15 ёшга тўлмаган боланинг касаллиги билан боғлиқ вақтинча меҳнатга яроқсизлик бўйича бериладиган нафақа ва бошқалар киради.

Юқорида келтирилган оқибатлар сабабли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган болалар ўзларига тегишли ҳуқуқ ва манфаатларнинг ҳимоя қилинишини ва амалга оширилишини тегишли тартибда сақлаб қоладилар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-оналарнинг ноқонуний ҳаракати қайси вояга етмаган болага нисбатан содир қилинган бўлса, фақат шу болага тааллуқли бўлади. Бошқа вояга етмаган болоаларга нисбатан эса, ота-оналик ҳуқуқи тўла сақланиб қолади.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар вояга етгунига қадар ота-она томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она, аввало, шу вояга етмаган болага нисбатан шахсан уни тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, шунингдек болани тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ваколатлардан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган болалари фуқароларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган турли хил имтиёзлардан, нафақа ва моддий ёрдам олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она, кексайиб қолганда, меҳнатга қобилиятсиз ва ёрдамга муҳтож бўлиб қолганда вояга етган болаларидан таъминот талаб қилиш ҳуқуқини ҳам йўқотади.

Ф.М.Отахўжаев, ота-оналик ҳуқуқи ота-оналарнинг мажбуриятлари билан ўзаро узвий боғлиқ бўлади. Чунки болаларни тарбиялаш ва уларга таъминот бериш бўйича ота-оналар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажарилиши улар томонидан ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширилиши ҳисобланади. Аммо, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, мазкур ота-онанинг айби ва ноқонуний ҳаракати оқибатида бўлгани сабабли, улар ота-оналик мажбуриятидан тўлиқ озод қилинмайдилар. Вояга етмаган болаларни таъминлаб туриш мажбурияти, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг бўйнида сақланиб қолади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она ўз болаларига таъминот бериш мажбуриятидан озод бўлмайди. Чунки бу мажбуриятнинг мақсади вояга етмаган болани таъминлашдан иборатдир¹⁹, дея эътироф этади.

Ф.М.Отахўжаевнинг фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда шуни эътироф этиш керакки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг бола

¹⁹ Ф.М.Отахўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи.-Т.: -2005.- Б.102

билан биргаликда бир жойда яшаш ёки яшамаслиги масаласи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишни кўрган суд томонидан ҳал қилинади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она билан вояга етмаган боланинг бирга яшаши боланинг тарбияланишига салбий таъсир ўтказмайди, деган хулосага келган суд масалани ота ёки она фойдасига ижобий ҳал қилиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан ота ва онанинг ҳар иккаласи маҳрум қилинганида ёки вояга етмаган болани ота-оналик ҳуқуқи сақланиб қолган ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига уни тегишли жойга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш учун берилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишлик бундай ота-онанинг уй-жойга бўлган ҳуқуқига тааллуқли эмас. Аммо, қонунда белгиланган айрим ҳолларда бундай ота ёки она уй-жойдан кўчирилиши мумкин. Бундай ҳолларда уй-жойдан кўчириш манфаатдор тарафнинг ёки прокурорнинг талаби билан амалга оширилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар болаларни фарзандликка олиш, васий ёки ҳомий бўлиш ҳуқуқларидан маҳрумдирлар.

Ота-оналик ҳуқуқи маҳрум қилинган ота-онанинг боласи фарзандликка олинмаган бўлса, отаси ёки онасининг турар-жойига бўлган ўзининг мулкӣ ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Фарзандликка олинмаган бола, шунингдек ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган отаси ёки онасига ва туғишганлик фактига асосланган бошқа қариндошларга нисбатан бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

1.3.Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш

Оила қонунчилигининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила унинг барча аъзоларининг маъсуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини

тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши таъминлашдан иборатдир. Шу маънода оила қонунчилиги ота-оналик ҳуқуқини тиклаш институтини ҳам нормалайди.

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан тартибда амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онани (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг маълум бир муддати белгиланмайди, у муддатсиз ҳисобланади. Қонун бўйича ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан оилада ҳуқуқий муносабат тугатилади. Аммо, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳам қонунда назарда тутилган. Бу ҳол, албатта, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ўз хулқ-атворини тuzатишига қаратилади. Ота ёки онанинг бола билан алоқаси узилмайди, у билан кўришиб туриш, мулоқотда бўлиш унга моддий ёрдам бериб туриш учун ҳаракат тўхтамайди, ман этилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ҳуқ-атворида бола тарбиясига нисбатан жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлиги аниқланса, бундай ҳоллар, албатта, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги талабларнинг асослилигини кўриб чиқишни талаб қилади.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар даъво ишларини юритиш тартибига кўрилади. Даъвогар сифатида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она, жавобгар сифатида эса, боланинг кимнинг ҳомийлигида туришига қараб, ота-оналик ҳуқуқи сақланган ота ёки она, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг даъво аризасига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб ҳал қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ҳуқ-атвори тuzалганлигига, унинг ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлганлигига ишониб, унга бола тарбиясини ишониш мумкин деган хулосага келган суд, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақида ҳал қилув қарори чичқаради. Шу билан бирга болани ота-онасига қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган болаларга нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ҳуқуқи тикланиши мумкин эмас. Бу, албатта, вояга етмаган боланинг манфаатини кўзлаб амалга оширилади. Чунки фарзандликка олинган боланинг тарбиясини ўз зиммасига олган фарзандликка олувчининг манфаатларига ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг манфаатини қарши қўйиш билан, янги оилада тарбия топган муносабатларнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак. Фарзандликка олиш бекор қилинмасдан туриб ота-оналик ҳуқуқини тиклаш мумкин эмас. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш бола манфаатига зид бўлмаслиги керак ва албатта боланинг фикри ҳисобга олиниши шарт. Ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олиниши шарт. Ўн ёшга тўлган боланинг розилиги

бўлмаса, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво суд томонидан қаноатлантирилмаслиги мумкин.

Айни вақтда оила қонунчилиги жуда “бешафқат эмас”. қайтанга, оила қонунчилигининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила унинг барча аъзоларининг маъсуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши таъминлашдан иборатдир. Шу маънода оила қонунчилиги ота-оналик ҳуқуқини тиклаш институтини ҳам нормалайди.

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онани (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни тураржойлар билан таъминлаш тартиби такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 2 августда “Етим болалар ва ота-

она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорга мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган бўлиб, унга кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун мўлжалланган муассасаларга, оилавий болалар уйларига, фарзандликка олган оилаларга, васий ва ҳомийларга юборишда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича турар жойини болада сақлаб туриш кафолати ва бошқа турар жойга бўлган ҳуқуқни таъминлаш талаби белгиланади.

Демак, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қатор ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Мазкур бобни ёритиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатларини умуман олганда икки йирик туркумга бўлиш мумкин:

шахсий ҳуқуқий оқибатлар;

мулкӣ ҳуқуқий оқибатлар.

2. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади.

3. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

4. Ота-онанинг иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади.

5. Ота-она (улардан бири) ўз ҳулқ-атворини, турмуш тарзини ва бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

2-БОБ. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналарнинг вояга етмаган болаларини жойлаштириш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари

2.1. Фарзандликка олиш

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда «...барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар», деб белгиланади. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ болага баркамол вояга етиш, соғлом тан ва тафаккурда, ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган ота-онанинг кўз қароғида бўлиб, уларнинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиш, ташқи олам-атроф билан ўзига энг яқин кишилар ҳисобланмиш-ота-оналари орқали боғланиш, бу туфайли атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни асл ҳолида тушуниши, идрок қилиш ва хулоса чиқариш, ўзгалар тажовузидан, таҳдидидан муносиб ҳимояланиш имконини беради.

Конституциянинг 64-моддасида айтилганидек, «ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар». Қонунчилигимизнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, у бола манфаатларини устувор деб билади. Шу маънода агар оиладаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, қонунчилик уни ушбу оилада, шароитда қолишга йўл қўймайди. Шунингдек, Конституцияда ҳам «давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди...» деб белгиланади».

Ана шундай ҳолларда болани фарзандликка олишга йўл қўйилади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1997 йил 1 мартда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида фарзандликка олиш алоҳида турдаги фуқаролик ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатни қайд этиш фуқаролик ҳолати ҳужжатлари (ФХДЁ)ни ёзиш органларига топширилганди.

Мазкур кодексга 1998 йил 25 декабрда киритилган ўзгартиришларга кўра, фарзандликка олиш алоҳида турдаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари сирасидан чиқарилиб, туғилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш каби фуқаролик ҳолати ҳужжатларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан ифодаланиши белгиланди.

Асосан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болалар, айти вақтда фақат вояга етмаган болаларнигина уларнинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олинади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи (халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - васийлик ва ҳомийлик органларидир) тавсиясига кўра туман (шаҳар) ҳокими қарори билан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»да белгиланишича, ФХДЁ органи қабул қилинган ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартишларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилиши мумкин. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар:

-ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

-қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар;

-асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

-фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

-қасддан содир қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Қонун ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳолларидан ташқари ҳолатларда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслигини шарт қилиб қўяди.

Фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўғай ота ва ўғай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ходиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эгадирлар. Қоида тариқасида, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бундай ҳолларда хотин (эр)нинг розилиги ҳам талаб этилади. Шунингдек, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги ҳам талаб этилади. Аммо қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Оилавий тарбия шакллари орасида фарзандликка олиш институтига анъанавий равишда энг асосий аҳамият қаратилади, чунки у қариндошлик иттифоқига тегишлиликни насл-насаб негизи эмас, балки онгли хоҳиш

билдириш белгилайди. Фарзандликка олиш - бу юридик акт бўлиб, унга асосланган ҳолда биологик ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятлари асраб олувчиларга ўтади. Васийлик ва оила томонидан асраб олишга нисбатан фарзандликка олиш устуворлиги жорий оила қонунчилигининг постулатларидан бири саналади: “Оила” кодексининг 173- моддасига мувофиқ, у ота-оналар қарамоғисиз қолган болаларни муҳофаза қилишга оид масалаларни ҳал этишда афзал кўрилади. Фарзандликка олиш институти асосланувчи асосий қонун йўқотилган оиласи ўрнига янги тўлиқ оилага эга бўлган боланинг манфаатларини тўлақонли таъминлаш омили саналиб, бунда янги оила жорий қонунчилик бўйича барча мутаносиб ваколат ва мажбуриятларга эга бўлади. Фарзандликка олувчи оилага оилавий тарбия устуворлиги омили тўлиқ тадбиқ этилади.

Фарзандликка олишнинг бундай аҳамияти унинг бир неча таркибий қисмларига боғлиқ бўлиб, улар жамланганда фарзандликка олиш учун максимал қулай тартиб ҳосил қилади.

Биринчидан, фарзандликка олишнинг ҳуқуқий натижаси фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинаётган шахслар ўртасида қондошлик ёки биринчи даражали қариндошлик ҳолатини моделлаштиради. Шу тариқа ОҚнинг 165-моддаси фарзандликка олинган болалар ва уларнинг авлоди фарзандликка олувчилар ва уларнинг қариндошларига нисбатан, фарзандликка олувчилар ва уларнинг қариндошлари фарзандликка олинган бола ва унинг авлодига нисбатан шахсий мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларда насл-насаби бўйича қариндошларга тенглаштирилади. Фарзандликка олиш юридик факт ҳисобланиб, фарзандликка олинганлар учун орттирилган ота-оналар ва бошқа қариндошлар билан “қариндошлик линияси” бўйича оилавий муносабатлар пайдо қилиш учун хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида фарзандликка олинган боланинг қондош ота-онаси ва бошқа қариндошлик даражаси бўйича қариндошлари билан ҳуқуқӣ алоқаларини бекор қилади. Бундан шу келиб чиқадики, ҳуқуқӣ натижалар муддатсиз характерга эга. Болани фарзандликка олиш бекор қилиниши

қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб, ушбу ҳуқуқий муносабатларни тўхтатувчи фарзандликка олишни бекор қилиниши бундан мустасно. (ОКнинг 169-моддаси). болаларни ҳимоялашнинг шакли сифатида фарзандликка олишнинг ўзига хослиги ҳуқуқий муносабатларнинг муддатсиз характерда эканлигидан иборат, у оқибат сифатида фарзандликка олинган ва фарзандликка олинувчиларнинг махсус ҳуқуқий муносабатларида ота-она ва бола муносабатини эслатади».

Юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фарзандликка олиш ва ота-оналик алоқаларининг бир-биридан фарқланиши шуни кўрсатадики, Ушбу оилавий муносабатлар бир-бирига ўхшаш, бироқ айнан бир хил эмас. Болгариялик цивилист олимларнинг таъкидлаганидек, «фарзандликка олиш натижасида юзага келган оилавий муносабат туғишганлик натижасида вужудга келадиган муносабатга ўхшайди. Қонун чиқарувчининг ушбу муносабатларни тенглаштиришга уринишларига қарамасдан, мутлоқ бир хилликка эришиб бўлмади. Ушбу ҳолат келиб чиққанликнинг биологик алоқа, фарзандликка олишнинг эса сунъий ҳуқуқий алоқа эканлиги билан белгиланади²⁰.

Фарзандликка олиш юзасидан юридик адабиётларда икки хил нуқтаи назар мавжуд. Биринчи гуруҳ муаллифларининг фикрича, фарзандликка олиш бу оилавий муносабатларни вужудга келиш асосидир²¹, иккинчи гуруҳ олимлар эса, буни оилавий тарбиялаш шакли²² сифатида қарашади. Назаримизда, ушбу олимлар нуқтаи назаридан қарама қаршилиқлар мавжуд эмас. Ҳақиқатан ҳам фарзандликка олиш бу оилавий муносабатларни вужудга келиш асоси ҳисобланади, шу билан бирга оилада тарбиялашга шароит яратади.

Фикримизча, амалдаги оила қонунчилигида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш шакллари ичида фарзандликка олиш

²⁰ Семейное право зарубежных европейских социалистических стран. Сост. Ворожейкин Е.М., //Под ред. В.Л.Грибанова и А.М. Беляковой. М.: 1979. -72 с.

²¹ Хаскельберг Б.Л. Шахматов В.П. Новый Кодекс о браке и семье РСФСР. -Томск, 1970. -246 с.

²² Ворожейкин Е.М. Семейные правоотношения в СССР. М.: Изд-во Юр.лит. 1972. -221 с.

мукамалликка эгаллиги нормаланган бўлиши лозим. Чунки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фарқли равишда нафақат боланинг манфаатлари балки, у ёки бу сабабларга кўра ўзлари фарзанд кўра олмайдиган фарзандликка олувчиларни манфаатлари таъминланиши ва рўёбга чиқишига юқори даражада имконият беради. Фарзандликка олувчилар ҳар томонлама ота-она ўрнини босишга ҳаракат қилишади, асосийси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шакллари сингари бу ерда болаларни оилада тарбиялашнинг оралиқ вақти (вақт билан чегараланиши) мавжуд эмас. Ушбу ҳолат фарзандликка олишнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг афзалликларини ифодалаб беради.

Назаримизда, ОКнинг 152-моддасида: “қасдан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар”, деган жумладан сўнг, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳоллари бундан мустасно” деган жумла билан тўлдирилиши лозим.

Амалиётда ёлғиз фуқаролар томонидан фарзандликка олиш мақсадга мувофиқми?, деган савол туғилиши табиий. Аввало, шуни назарда тутиш лозимки, фарзандликка олиш бола учун тўлақонли оилага эга бўлиш мақсадини кўзлайди. Оила эса, албатта ота-она бўлишини назарда тутаяди.

Айрим тадқиқотчилар томонидан фарзандликка олишнинг асосий мақсади болани оилада тарбиялаш бўлганлиги сабабли фарзандликка олувчи шахсларнинг энг юқори ёши 50 ёшдан ошмаслиги лозимлиги ҳақида фикрларни илгари суришади²³. А.Ю.Азизова ва В.В.Рязанцевлар эса, фарзандликка олувчининг энг юқори ёши 60 ёшдан ошмаслиги лозимлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради²⁴.

²³ Летова Н. В. Усыновление как приоритетная форма устройства детей, оставшихся без попечения родителей. Автореф. дисс... к.ю.н. –Томск.: 2003. -25 с.

²⁴ Азизова А.Ю. Усыновление по советскому семейному праву. –Ташкент.: 1990. с.7.Рязанцев В.В. Правоотношения усыновления в российском семейном праве. Дисс... к.ю.н. –М.: 2001. с.52.

Бирок, оила ҳуқуқи доктринасида бу борада таъқиқ мавжуд эмас. Фақатгина уларнинг қариганлиги сабабли ёки тез орада ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини фараз қилиб, уларнинг ҳуқуқларини камситиш тўғри бўлмайди. Демак, ҳар бир муайян ҳолатда фарзандликка олиш масаласи ҳал этилаётганда суд томонидан атрофлича ўрганилиб, аввало бола манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кекса ёшдаги фуқаролар томонидан фарзандликка олиш масаласи ижобий ҳал этилиши мумкин.

Оила кодексининг 152-моддасида “асаб касалликлари ёки нарколепсия муассасаларида рўйхатда турувчилар” фарзандликка олиши мумкин бўлмаган шахслар жумласига киритилган.

Назаримизда, ушбу моддада тор доирадаги ва кўп тарқалган касалликлардан биригина кўрсатиб ўтилган, холос. Ваҳоланки, оилада боланинг соғлиғига, бекаму-кўст ўсиб улғайиши ва тарбияланишига таъсир этиши мумкин бўлган яширин ҳамда ташқаридан қараганда кўринмайдиган турли хил касалликлар ҳам мавжуд.

Фарзандликка олиш, бир томондан, фарзандликка олувчиларга ўз боласи бўлиши, наслини давом эттириш эҳтиёжини амалга оширишга имкон берса, иккинчи томондан, умрида бир марта оиласини йўқотган болага яна оила топишга ва уни асл оиласи каби қабул қилишга имконият ҳосил қилади.

Шу билан бирга, тан олиш керакки, оила тузилиши шакли сифатида фарзандликка олишни ривожлантириш имкониятлари амалда жуда чекланган. Бу чекловлар ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик табиатга эга.

Оила қонунчилигида фарзандликка олиш ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаганларга нисбатангина мумкинлиги белгиланган. Ҳукуматнинг “Болаларни фарзандликка²⁵ олишга ўтказиш қоидалари ва уларни Ўзбекистон ҳудудида фарзандликка олганлар оиласида тарбияланиши ва ҳаёт кечириш шароитлари устидан назорат ўрнатиш ҳамда Ўзбекистондаги консуллик муассасалари томонидан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган

²⁵ Кодекс 30.04.98 й. 607-И-сон ЎР Қонунига мувофиқ тасдиқланган, ЎР Олий Мажлисининг 608-И-сон Қарорига биноан 1998 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди.

шахслар томонидан фарзандликка олинганларни қайд қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди қуйидагича белгиланади: фарзандликка олиш вояга етмаган, ота-онасининг бири ёки иккаласи ҳам вафот этган, номаълум, суд томонидан бедарак ёки ўлган деб эълон қилинган, ишлашга лаёқатсиз деб топилган, ота-оналик ҳуқуқидан суд томонидан маҳрум этилган, фарзандликка олишга белгиланган тартибда розилик берилганда, суд томонидан узрли сабаб деб топилмаганда, бола билан 6 ойдан ортиқ бирга яшамасдан, уни тарбиялаш ва моддий таъминлашдан бош тортилганда рухсат этилади» (2-банд). Ушбу меъёр болада етимликнинг ёки ота-она қарамоғисиз қолганлигининг муайян юридик мақоми мавжудлигини тақозо қилади.

Ўз навбатида, фарзандликка олиниш учун ҳуқуқий асосларга эга вояга етмаганлар тоифасига, масалан, тарбиялаш ва моддий таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётган, лекин ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-оналарнинг болалари, қидирувда деб эълон қилинган, лекин суд тартибида бедарак йўқолган деб эълон қилинмаган ота-оналарнинг, руҳий касалланган, лекин суд томонидан меҳнатга лаёқатсиз деб топилмаган ота-оналарнинг болалари киритилмаган.

Бундан ташқари, Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ, фарзандликка олинаётган бола ва никоҳи қайд қилинмаган фарзандликка олувчи ўртасида ёш фарқи камида ўн беш йил бўлиши ўрнатилган. Суд томонидан асосли сабаблар бўйича ёшдаги фарқ қисқартирилиши мумкин. Шунинг учун бу қонун чиқарувчи томонидан фарзандликка олиш белгиланишида жуда жиддий шарт бўлиб, васийлик ва оилага тарбияга олган (патронат) оилага нисбатан бу даражада аниқ белгиланмаган. Шундай қилиб, фарзандликка олиш субъектлари ҳисобланишга ҳуқуқий асосларга эга болалар тоифаси қонунчилик томонидан чегараланади. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибати муддатсиз характерга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда бундай чекловлар ўзини оқлаган деб тасаввур қилинади.

Охирги вақтгача фарзандликка олинган бўлиш ҳуқуқига эга шахсларга нисбатан махсус чекловлар амал қилган. Оила кодексининг 150--моддасига мувофиқ, фарзандликка олиш вақтида фарзандликка олувчи яшаётган ҳудуд субъектида белгиланган фарзандликка олинган болани кун кечириши учун зарур нарсаларнинг энг кам миқдорини таъминлайдиган даромадга эга бўлмаган, шунингдек, белгиланган санитария ва техник талабларга жавоб берувчи тураржойи бўлмаган шахслар фарзандликка олувчи шахс бўлишга талабгор бўла олмайдилар. Яққол аёнки, бундай талаблар аввало зиёлилар деб аталувчи ижтимоий қатламга алоқадор шахслар (ўқитувчи, шифокор, маданият ходими)нинг, никоҳда бўлмаган шахсларнинг, шунингдек, тураржой шароитини яхшилаш учун навбатда туриб, ижарага олувчи оила аъзоси сифатида тураржойда яшаётган, вақтинчалик иморат, ётоқхоналарда ва ўрнатилган тартибда доимий яшаш учун яроқсиз деб топилган бино (шахсий уй) да яшаётган шахсларнинг фарзандликка олишдаги потенциал имкониятларини кескин чеклайди.

Ф.М.Отахўжаевнинг кўрсатишича, фарзандликка олиш – бу ўзганинг фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олишдир, бу болаларга, айниқса эътиборга зор болаларга меҳр-мурувват кўрсатишнинг ёрқин тимсолидир. Бунда фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида туққан ота-она билан болалар ўртасидаги каби ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади²⁶.

Юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фарзандликка олиш ва ота-оналик алоқаларининг бир-биридан фарқланиши шуни кўрсатадики, ушбу оилавий муносабатлар бир-бирига ўхшаш, бироқ айнан бир хил эмас.

2.2.Васийлик ва ҳомийлик тайинлаш

Жамиятимизнинг бугунги ҳаёти учун изчил, узлуксиз, ўзаро боғлиқ, замонавий талабларга жавоб берадиган юридик таълим тизимини яратиш ундаги ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий йўналишларидан

²⁶ Отахўжаев Ф. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. -Т.: ТДҲОИ, 2005.

биридир. Чунки аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб муаммо бўлиб, бу мамлакат равнақининг янада жадаллашувига сабаб бўлади, турли тоифадаги шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар, шу жумладан, вояга етмаганлар орасидан ҳуқуқбузарлар чиқиши барҳам топади²⁷.

Васийлик ва ҳомийлик вояга етган, лекин руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахсларга, муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларга ёки бедарак йўқолган шахсларнинг мулкани ишончли бошқарувга топширилган ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида юзага келади. Шу ўринда амалдаги Фуқаролик қонунчилиги белгиланган тўла муомала лаёқатига эга бўлиш имкониятларининг кенгайтирилганлигини айтиш ўринли бўлурди. Чунончи, бугунги кунда қуйидаги ҳолларда фуқаро тўла муомала лаёқатига эга бўлиб ҳисобланади:

- фуқаронинг вояга етиши, яъни 18 ёшга тўлиши муносабати билан (мамлакатимиз қонунчилигига кўра, Республикамизда 18 ёш фуқаронинг вояга етиш ёши ҳисобланади. Бинобарин, бу ёшдан фуқаро тўла муомала лаёқатига эга бўлади, деб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан, мамлакатимизда бу соҳада ўта мўътадил ёш (давр) танланган.

Вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакиллари бўлиб биринчи навбатда ота-оналари ва фарзандликка олувчилари, васийлари ва ҳомийлари бўлиши мумкин. Фарзандликка олувчилари, васийликка ва тарбияга олган ота-оналари тўла муомала лаёқатига эга бўлишлари қонун асосида талаб қилинади. Болани ота-онасидан олиб қўйиш, уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бошқа ҳолатлар боланинг уй-жойга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилмайди. Ота-онанинг васийлигидан маҳрум бўлган боланинг яшаш жойи васийлик ва ҳомийлик органи орқали ҳал қилинади²⁸.

²⁷ Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими. Ҳолат ва истиқбол. Тўплам. -Т.:2003. -44 б.

²⁸ Ю.Бескалов. Определение места жительства ребенка.//Российская юстиция. 2000. №2. - 28-29 б.

Ҳомий тайинлашда ҳомийликка олувчининг ҳоҳишини эътиборга олиш шарт²⁹. Васий тайинлашда эса васийликка олувчининг розилиги талаб қилинмайди, агар улар ўз ҳоҳишини эркин ифода эта олмасалар (кичик ёшдагилар, муомалага лаёқатсиз шахслар). Шунини алоҳида кўрсатиш лозимки, 10 ёшга тўлган болага васий тайинланаётганда унинг розилиги олиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Васийлик ёки ҳомийликни белгилаш тартиби ҳам амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомга биноан васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойдаги туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васий ёки ҳомий бўлишни истовчи шахслар васийлик (ҳомийлик)ка олишни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- васийликка ёки ҳомийликка олувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳдан қачондан бери турганлиги ва уларнинг бирга ёки алоҳида яшаши, оилада фарзандлар бўлса, уларнинг сони ва ёши ва васийлик (ҳомийлик)ка олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

- турар жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотлар;

- никоҳ гувоҳномаси (никоҳдан ажралганлик гувоҳномаси) нусхаси;

- иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

- иш жойи ёки турар жойидан тавсифнома;

- васий ёки ҳомий бўлишни истовчи шахсларнинг соғлиғи тўғрисидаги врачлик маслаҳат комиссиясининг хулосаси, руҳий ва наркологик муассасалари, тери-таносил диспансери маълумотномалари.

²⁹ Муаллифлар жамоаси. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари. Оммабоп юридик маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон. 2000. – 323 б.

Васийлик ва ҳомийлик органи эса ўз навбатида васийлик ҳомийликка берилаётган шахс тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тайёрлайди:

- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт) нусхаси;
- ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси ёки ота-онасининг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақида суд қарори;
- ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотидан бўйин товлаганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болалар ота-онасиз қолганликлари тўғрисидаги далолатномалари;
- саломатлиги тўғрисида тиббий муассасанинг хулосаси;
- васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахснинг турар-жой, мол-мулки тўғрисидаги маълумотнома;
- васийлик ва ҳомийлик органининг болани васийлик ёки ҳомийликка олишни хоҳлаётган оиланинг маиший турмуш шароитлари, оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномаси.

Оила кодексининг 177-моддасига кўра, боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари унинг:

- ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини;
- ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинлайди. Ушбу моддада болани ота-она ихтиёридан фавқулодда ҳолларда олиб қўйиш асослари кўрсатилган³⁰. Бундай ҳолларда бола фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжати асосида зудлик билан ота-онасидан ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа

³⁰ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат. 2000. -329 б.

шахслардан олиб қўйилади. Яъни, бундай вазиятларда васий ёки ҳомий тайинлаш учун бир ойлик муддатни қисқартиш мумкин.

Оила ҳуқуқи нормалари васийлик ва ҳомийлик муносабатларини маълум сабабларга кўра ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган фуқароларни оилада тарбиялаш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун белгиланганда қўллади.

Ш.Р.Юлдашевнинг фикрича, васий (васийлик) кенг маънода болаларни тарбиялаш бўйича давлат функциясини амалга оширишни таъминлаш ҳисобланади³¹. Фикримизча, Ш.Р.Юлдашевнинг ушбу мулоҳазалари анча баҳсталаб. Бу ерда шуни эътиборга олиш керакки, ҳамиша ҳам васийлик ва ҳомийлик давлат функцияси даражасида ҳал қилинмайди. Чунки кўплаб тўлақонли оилаларда (яъни, ота-она мавжуд бўлганда, улар муомалага тўла лаёқатли, вояга етмаган фарзандларини тарбия қила оладиган бўлганларида) ўз-ўзидан маълумки, ота ва она фарзандларининг қонуний вакиллари (васийси ва ҳомийси) бўлиб ҳисобланадилар. Васийлик ва ҳомийлик ҳақида гапирилганда, қонунчиликда назарда тутилган вояга етмаган болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, руҳий касаллар ва ақли заифлар, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият тушунилади.

2.3. Болаларни оилага тарбияга бериш (патронат)

Васийлик ва ҳомийлик тайинлашнинг боланинг тутинган оилага берилишидан фарқловчи жиҳатлари эса уларнинг расмийлаштирилишида кўринади, жумладан, болани тутинган оилага бериш (патронат) да васийлик ва ҳомийлик органи билан келишув тузилиб, унда болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг тутинган оила олдидаги мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш

³¹ Ш.Р.Юлдашева Васийлик ва ҳомийлик. //Ж.Ҳаёт ва қонун. 2004. №:

асослари ва оқибатлари кўрсатилади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 195-моддаси). Васийлик ва ҳомийликни тайинлашда эса васий (ҳомий) ликка олувчининг аризаси ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган Низомда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши билан кифояланилади.

Оила ҳуқуқида болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) деб юритилиб, у Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарор билан тасдиқланган “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) юридик фактини вужудга келтирувчи ва амалга оширувчи махсус ҳуқуқий асос бўлиб, у икки бўлим ўн олти банддан иборатдир.

Ушбу низомга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, тарбия ва даволаш муассаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Битта оилавий болалар уйида тарбияланувчиларнинг сони 5 нафардан кам бўлмаган ва 7 нафардан кўп бўлмаслиги керак. Болалар уйи тарбияланувчиларининг таълим олиши ва уларнинг соғлиғи туман (шаҳар) халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари назоратида бўлиши керак. Оилавий болалар уйига 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳамда рухий ривожланишида нуқсонли бўлмаган болалар жойлаштирилади. Шу билан бирга Тарбиячи ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳам оилавий болалар уйи тарбияланувчилари билан бирга тарбияланади. 10 ёшга тўлган болаларни оилавий болалар уйига жойлаштириш учун боланинг розилиги олинади. Тарбияланувчиларни фарзандликка берилаётганда ёки ўз ота-оналари. яқин қариндошлари ёнига қайтиб бораётганида оилавий болалар уйдан чиқариш васийлик ва ҳомийлик органлари орқали амалга оширилади. Оилавий болалар уйида тарбияланаётган болаларнинг яқин қариндошлари билан учрашиши фақат васийлик ва ҳомийлик органлари руҳсати билан амалга оширилади. Тарбиячи ота-она Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, 25

ёшга тўлган, Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган, соғлом ва маънавий комил инсон бўлиши шарт. Тарбиячи ота-она ва тарбияланувчи болалар орасида ёш тафовути 15 ёшдан кам бўлиши мумкин эмас³².

Шунга эътибор бериш лозимки, болаларни оилага тарбияга олиш ва фарзандликка олиш бир-биридан фарқланади. Ташқаридан қараганда болаларни оилага тарбияга олувчилар билан фарзандликка олиш муносабатлари ўхшашдек кўринади. Бу ўхшашлик шундаки, болани фарзандликка олинганда ҳам оилага қабул қилинади. Бироқ, қонун чиқарувчи томонидан тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга эканлиги назарда тутилади (ОК 198-моддаси). Бошқача айтганда, тутинган ота-она оиласига тарбияга олинган боланинг қонуний вакили ҳисобланиб, унга нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир. «Тутинган ота-она оилага тарбияга олинган боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз ҳимоя қилади»³³. Шу билан бирга тутинган ота-она ва болалар ўртасидаги муносабат муддатли ҳисобланади ва шартномада бу ҳолат ўз ифодасини топган бўлади. Шартномада кўрсатилган муддатнинг тамом бўлиши натижасида улар ўртасидаги ҳуқуқий ва айрим ҳолларда амалий алоқалар ҳам тугатилади. Оилага болаларни тарбияга олиш одатий болалар уйидан фарқ қилади, яъни оилада болалар сони кам бўлади. Бу эса жамоат тарбиясидан фарқ қилиб, оилавий тарбияни таъминлайди. Бу ҳол ота-оналар билан болалар бевосита муносабатда бўлишлари учун имкон яратади. Қонунчиликда болаларнинг оиладаги энг кам сони кўрса-тилмаган. Шунинг учун бунда энг кам сон бир боладан иборат бўлиши мумкин. Қоида бўйича болаларнинг сони 8 боладан ошмаслиги керак.

³² Оилавий болалар уйи тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 17 июндаги 125-сон буйруғи билан тасдиқланган.

³³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: «Адолат», 2000. -365 б.

Болаларни оилага тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузиладиган махсус шартнома асосида амалга оширилади. Оила кодексининг 195-моддасига кўра, ушбу шартномада болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шартномани бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин боани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Оилага болани тарбияга олиш шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома эса васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда болани оилага олмоқи бўлган тутинган ота-оналар (эр-хотинлар, алоҳида фуқаролар бўлиши мумкин).

Оилага болаларни тарбияга олиш учун шартномада кўрсатилган вояга етмаган болалар бўлиши лозим. Васий (ҳомий) лар тутинган ота-оналардан фарқ қилиб, ваййлик ва ҳомийлик органлари билан шартнома муносабатларида бўладилар³⁴.

Болаларни оилага тарбияга олаётган тутинган ота-оналар албатта вояга етган ва муомалага лаёқатли бўлишлари шарт. Оилага бола олаётган ота-оналарга ота-оналик ҳуқуқи никоҳда бўлган ҳамда ёл-из фуқароларга берилади. Шартнома тузиш вақтида тутинган ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий қиёфалари, модди-маиший шароитлари, ёши ва бошқа шароитлари ҳисобга олинади. Ёшидан қатъий назар, болалар шартнома тузиш вақтида

³⁴ Ф.М.Отахўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2005.- 225 б.

иштирок этмайдилар. Тутинган оилаларга ота-оналик ҳомийлигидан маҳрум этилган болалар қабул қилинади.

Оила ҳуқуқида болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) деб юритилиб, у Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарор билан тасдиқланган “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Ушбу Низом болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) юридик фактини вужудга келтирувчи ва амалга оширувчи махсус ҳуқуқий асос бўлиб, у икки бўлим ўн олти банддан иборатдир.

Ушбу Низомга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, тарбия ва даволаш муассаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузиладиган махсус шартнома асосида амалга оширилади. Оила кодексининг 195-моддасига кўра, ушбу шартномада болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шартномани бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Оилага болани тарбияга олиш шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома эса васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда болани оилага олмоқи

бўлган тутинган ота-оналар (эр-хотинлар, алоҳида фуқаролар бўлиши мумкин).

Оилага болаларни тарбияга олиш учун шартномада кўрсатилган вояга етмаган болалар бўлиши лозим. Васий (ҳомий) лар тутинган ота-оналардан фарқ қилиб, ваййлик ва ҳомийлик органлари билан шартнома муносабатларида бўладилар³⁵.

Болаларни оилага тарбияга олаётган тутинган ота-оналар албатта вояга етган ва муомалага лаёқатли бўлишлари шарт. Оилага бола олаётган ота-оналарга ота-оналик ҳуқуқи никоҳда бўлган ҳамда ёл-из фуқароларга берилади. Шартнома тузиш вақтида тутинган ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий қиёфалари, модди-маиший шароитлари, ёши ва бошқа шароитлари ҳисобга олинади. Ёшидан қатъий назар, болалар шартнома тузиш вақтида иштирок этмайдилар. Тутинган оилаларга ота-оналик ҳомийлигидан маҳрум этилган болалар қабул қилинади.

Мазкур шартнома тутинган ота-онанинг ташаббуси билан қуйидаги сабаблар туфайли муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- касаллиги туфайли;
- оилавий ёки мулкӣ аҳволининг ўзгариши боис;
- болалар билан ўзаро бир-бирини тушнмаслик кабилар.

Васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан ёки болалар ота-оналарига қайтарилган ёинки улар фарзандлика олинганда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Маълумки, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларига фарзандликка бериш, уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгилаш, шунингдек, тутинган оилага тарбияга олиш (патронат)ташқил этади.

Болаларни оилага тарбияга бериш (патронат) фарзандликка олиш вояга етмаганларга васий ёки ҳомий тайинлаш ва вояга етмаган болаларни

³⁵ Ф.М.Отахўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2005.- 225 б.

жойлаштириш шакллари ичида ўз мазмун-моҳияти ҳамда тарбия бериш шакли бўйича тубдан фарқ қилади.

Ушбу низомга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузиладиган махсус шартнома асосида амалга оширилади. Оила кодексининг 195-моддасига кўра, ушбу шартномада болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шартномани бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин боани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оилага тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Оилага болани тарбияга олиш шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома эса васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда болани оилага олмоқи бўлган тутинган ота-оналар (эр-хотинлар, алоҳида фуқаролар бўлиши мумкин).

Оилага болаларни тарбияга олиш учун шартномада кўрсатилган вояга етмаган болалар бўлиши лозим. Васий (ҳомий) лар тутинган ота-оналардан фарқ қилиб, ваййлик ва ҳомийлик органлари билан шартнома муносабатларида бўладилар³⁶.

Болаларни оилага тарбияга олаётган тутинган ота-оналар албатта вояга етган ва муомалага лаёқатли бўлишлари шарт. Оилага бола олаётган ота-

³⁶ Ф.М.Отахўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2005.- 225 б.

оналарга ота-оналик ҳуқуқи никоҳда бўлган ҳамда ёл-из фуқароларга берилади. Шартнома тузиш вақтида тутинган ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий қиёфалари, модди-маиший шароитлари, ёши ва бошқа шароитлари ҳисобга олинади. Ёшидан қатъий назар, болалар шартнома тузиш вақтида иштирок этмайдилар. Тутинган оилаларга ота-оналик ҳомийлигидан маҳрум этилган болалар қабул қилинади.

Оила кодексининг 197-моддасига кўра, оилага тарбияга берилган болалар қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;
- уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш.

Шунингдек, оилага тарбияга ебрилган болалар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Оилада боланинг манфаатига дахлдор ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда у ўз фикрини билдиришга ҳақлидир.

Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар.

Оила кодексининг 198-моддасига кўра, вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин.

Айни вақтда қуйидаги шахслар қонунга кўра тутинган ота-она бўла олмайдилар:

- суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;
- суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар;
- қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

- илгари фарзандликка бола олган, лекин кейинчалик ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки уларни лозим даражада бажармаганлик учун суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинган;

- қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

- соғлиғининг ҳолатига кўра, болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар.

Оила кодексига кўра, тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Тутинган ота-она одатда, тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир.

Мазкур сўзланмоқда бўлган масала оила, ота-оналик ва болалар билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг нозик қирраси бўлиб, бунда болаларни меҳр-муҳаббат, самимий инсоний ҳис-туйғулар билан тарбиялаш талаб этилади. Болаларни тарбияга олган шахслар ўуҳуқуқларидан ғараз мақсадларда, ўз тарбиясидаги болаларга зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари болаларни тарбияга олган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласида қўзғатишга ҳақли бўлади.

Мазкур бобни ёритиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни аниқлаш ва жойлаштириш шаклларини белгилаш ваколати туман, шаҳар, ҳокимликлари қошидаги васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатига кирар экан;

2. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналарнинг вояга етмаган болаларини жойлаштириш шаклларида уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгилаш, уларни фарзандликка бериш ҳамда оилага тарбияга бериш (патронат) асосида амалга оширилади.

3. Ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг болалари юқорида номлари зикр этилган уларни жойлаштириш шакллари бўйича фарзандликка берилган бўлса ота-оналик ҳуқуқи тикланишига йўл қўйилмайди.

ХУЛОСА

Мазкур мавзуни ўрганиш пировардида, куйидаги таклиф ва хулосаларни бериш имконини берди:

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари, қонун ости ҳужжатлари ва халқаро Конвенциялар имзоланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2008 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида”ги қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарорига Илова билан тасдиқланган “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби” ҳақидаги Низом, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарорига 2-Илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.09. 2000 й. N 360-сонли “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида” Қарорлари қабул қилинган. Ушбу норматив ҳужжатлар вояга етмаганлар манфаатини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, Оила қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида куйидаги таклиф-мулоҳазаларга келдик:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65 ёки 66 моддасининг 2-банди давомига “Ота-оналик ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилинади” деб киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, Оила кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига шунингдек, “вояга етган фарзанднинг (боланинг) даъвосига биноан деган нормалар билан тўлдирилса янада ҳам қонунчилик такомиллашган бўлур эди.

Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўришда васийлик ва ҳомийлик органларига кенг ваколат берилган, лекин уларнинг фаолияти амалиётда суи даражада кўринади. Шунинг учун:

Биринчидан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар оила-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган туркумдаги ишларга киради.

Иккинчидан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, у ҳар қачон ва ҳар қандай ҳолатда ҳам вояга етмаган болаларни ҳуқуқларини доимо ва мунтазам равишда ҳимоя қилади.

Учинчидан, ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан, болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Айти вақтда болани қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Тўртинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларни таъминлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шу туфайли даъво кўзғатилган-кўзғатилмаганлигидан қатъий назар, биргаликда ҳал этилиши шартлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида кўрсатиб ўтилган. Биз ҳам ушбу ҳолатни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Бешинчидан, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмасдан аввал вояга етмаган болани отаси ва онасидан ёки уларнинг биридан олиш ҳақида қарор чиқарилганда суд, аввало боланинг манфаатини ҳисобга олади.

Олтинчидан, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар албатта, прокурорнинг иштирокида, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органларининг қатнашувида кўрилиши шарт. Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқиши билан бирга вояга етмаган боланинг таъминоти учун маблағ ундириш масаласи ҳам суд томонидан ҳал қилиниши керак.

Еттинчидан, ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Айни вақтда ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш оилавий муносабатларни бутунлай тугатишни билдирмайди.

Саккизинчидан, **оилавий –ҳуқуқий жавобгарлик** чорасини белгилашда ота-онанинг боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳолати аниқланиши лозим. Буни аниқлаш ҳар бир ота-онанинг ўзига хос хусусиятларини, боланинг шахс сифатида шаклланишининг психологик ўзига хослигини, ота-онасининг хулқ-атворини ўзига қай даражада қабул қилиши каби ҳолатларга эътибор қаратилиши мумкин.

Айни вақтда ушбу Институт бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган куйидаги жиҳатларни ҳам айтиш мумкин:

Суд амалиётида кўплаб учрайдиган ҳолатлардан бири шуки, ушбу институт маҳаллий менталилетдан келиб чиқиб, яъни истиҳола қилиниб суд тартибида кўрилиши даражасигача бормаяпти. Маҳалла, кўни-кўшни, қариндош-уруғлар қртасида ахлоқ нормалари билан, жисмоний туйғулар билан ҳал қилинаяпти-да, бунинг оқибатида болалар манфаатлари кўпол равишда паймол қилиняпти.

Аслида эса, оилавий муносабатларда қонун бола манфатларини устувор деб билади.

Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар ёки улардан бири ўз хулқ-атворини яхши томонга ўзгартирганда ёхуд мутассил ичкиликбозлик ёинки гиёҳвандлик қусурларини ташлагандан кейин ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган деб топилган шахсларни қайта асл ҳуқуқий ҳолатига қайтариш қийин кечмоқда. Айниқса, бунда процессуал қонун талаблари кўпол равишда бузилмоқда. ушбу ҳолатларни чуқур илмий

таҳлил қилиш, уни хорижий муносабатларнинг турдош муносабатлари билан солиштириб, унинг оқилона ечимини топишдан иборат деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 79-моддасига қўшимча олтинчи, еттинчи қисмлар сифатида қуйидаги жумлаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, ота-оналар ёки ота (она)дан бири фоҳишабозлик билан мунтазам равишда шуғулланса;

Ота-она ёки улардан бири ўз фарзандини маънавий дунёқарашига ҳисса қўшмаса ҳамда уларни доимий равишда тилначиликка ўргатса.

Фикримизча, мазкур масаллар ҳам 79-моддада ўз ифодасини топса Оила кодексининг ушбу нормаси янада ҳам такомиллашган ҳамда ота-оналарнинг ўз ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятлари бажаришга ижобий қараш учун хизмат қилади.

Оилада вояга етмаган болаларга нисбатан ота-оналарнинг ўзаро муносабатларида маданият, ички муҳит ва шу қабилар эътиборга олиниши даркор. Шунингдек, ўз ҳаракатлари ва болаларга салбий муносабати билан болага ёмон таъсир қиладиган шахсларнинг мавжуд эмаслиги, бола учун хавfli бўлган касалларнинг йўқлиги ҳам текширилиши лозим. Бундай ҳолатнинг аниқланиши келгусида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналарнинг болаларини тарбияга олаётган шахс номидан ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунийлигини таъминлайди ва оилада руҳий номутаносибликнинг олдини олади. Бунда айниқса, маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларининг манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ҳулоса беришлари бу соҳада самарали усул ҳисобланади. Шунингдек, халқ таълими муассасалари томонидан тавсия олишни йўлга қўйиш ҳам алоҳида усуллардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -380 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -431 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -528 б.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.- 120 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаси//И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” –Тошкент, Ўзбекистон. 2010 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил, 16 ноябрь

II. Қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2009. -44 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Расмий нашр. 2008. -496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. -Т.: Адолат. 2007. -176 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 2007
5. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.-Т.:Адолат. 2007.
6. Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги 1990 йил 31 октябрь қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1990 йил №31-33. 371-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонуни. 1995 йил 22 декабр.
8. Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарори. №33. //Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарорлари. –Т.: 2001.
9. Тошкент шаҳар Юнусобод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2010 йилдаги ҳал қилув қарори. Тошкент шаҳар Юнусобод туман фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди архивидан.

III.Махсус адабиётлар:

1. Азарова Е.Г. Право на пособие. Виды и размеры выплат. Комментарий к законодательству. -М.:1997. -158 б.
2. Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. -М.: Юрист. 1998. -280 б.
3. Антокольская М.В. Место семейного права в системе отраслей частного права. //Государство и право. -М.: 1995. №6. -30-40 б.

4. Атаходжаев Ф.М. Гарантии прав граждан законодательству Узбекской ССР. Сборник научных трудов. №695. -Т.: 1982.

5. Ашурова Н. 14 ёшга тўлмаган болаларнинг савдо муносабатларидаги иштироки./Бозор иктисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: 2004.

6. Ашурова Н. Муомала лаёқати.//Ҳаёт ва қонун. 2003. №2.-13-15 б.

7. Белякова А.М., Ворожейкин Е.М. Советское семейное право.-М.: Юр.лит. 1974. -232 б.

8. Бороданков А., Джандвери А. Лишение родительских прав преступников при рассмотрении уголовных дел. //Социалистическая законность. 1969. №7. -27-38 б.

9. Ботирбеков Б. Оналик ва болалик доимий муҳофазада. //Халқ сўзи, 2004 йил 6 апрел.

10.Восикова М.С. Оила ва қонун. –Т.: Адолат. 1996. -96 б.

11.Васильева Э.К. Семья и ее функции. -М.: Статистика. 1975. -132б.

12.Веберс Я.Р. Соотношение гражданского и семейного законодательства. Вопросы гражданского и трудового законодательства Советской Латвии. -Рига.: 1965. -282 б.

13.Волкова Н. Насилие над детьми требует ужесточения наказания за содеянное: комментарий специалиста.//Человек и закон. 1996. №7. -18-24 б.

14.Гражданский Кодекс Республики Казахстан. -Алматы.: Жеті жарғы. 2000.-605 с.

15.Гражданский кодекс Российской Федерации. -М.: 1996. -512 с.

16.Гражданское право России. /Под ред. О.Н.Садыкова. ч.1. -М.: 1996. -779 б.

17.Гражданское право. /Под ред Т.А.Илларионова, Б.М.Гонгало, В.А.Плетнев. -М.: 1998. -784 с.

18.Гражданское право. /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект. 1998. -632 с.

19.Гражданское право. Учебник. 6-е изд./ Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. Т.1. -М.: Проспект. 2003. -604 с.

20.Ершова Н.М. Алиментные обязанности других лиц.//Советская юстиция. 1971. №4.

21.Ершова Н.М. Опекa и попечительства над несовершеннолетними. -М.: 1959. -182 б.

22.Ершова Н.М. Опекa и попечительство, усыновление. -М.: Юр.лит. 1984. - 146 б.

23.Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими. Ҳолат ва истиқбол. Тўплам. -Т.: 2003. -189 б.

24.Жамолов Б., Бобокулов А. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш. -Т.: Адолат. -344 б.

25.Жюллио Л. Де ла Морандьер. Гражданское право Франции. Т.1.-М.: ИЛ. 1958. -233 с.

26.Жамалиева Н. Омбудсман: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада бир қафолати.//Инсон ва қонун. 2001-2002.

27.И. Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996.-296 б.

28.Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонунига шарҳлар./Мас.муҳ: Раҳмонкулов Ҳ.А. Абдусаломов М.И. -Т.: Адолат. 1994. -128 б.

29.Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким? -Т.: ТДЮИ. 2003. -146 б.

30.Зокиров И., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Т.: Адолат. 1998. -112 б.

31.Зокиров И., Оқюлов О., Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Т.: ТДЮИ. 2003. -224 б.

32.Иванова С. Объяснение сторон в спорах о детях.//Советская юстиция. 1962. №11.

33. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. -Т.: ТДЮИ. 2004.-104 с.

34. Комментарий к Гражданскому Кодексу Российской Федерации Ч. 1. /отв.ред. О.Н.Садиков-М.: Юринформцентр. 1997.-316 с.

35. Комментарий к Кодексу о браке и семье. Каз.ССР. -Алма-ата. Казахстан. 1972. -24-65-бетлар.

36. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации./ Отв.ред. И.М.Кузнецова. -М.: 1996. -345 б.

37. Конвенция о правах ребенка в книге «Права ребенка». Изложение фактов. №10. И. N Jeneve. 1992.

38. Королев Ю.А. Супруги, родители, дети. -М.: 1985. -112 б.

39. Кривоносова П.А. Лишение родительских прав. //Правоведение. 1990. №2.

40. Левушкин А.Н. Правовое регулирование некоторых имущественных прав несовершеннолетних детей по законодательству Российской Федерации.- М.:Юрист.2003. -243 б.

41. Литва Республика сининг Оила кодекси. 15-28-моддалар.

Лощнов Д.А. Правоприменительная практика взыскание алиментов.//Юридический мир. 2000.

42. Нечаева А.М. Исполнение по делам, связанным с воспитанием детей.//Российская юстиция. 1998. №4.

43. Нечаева А.М. Правонарушения в сфере личных семейных отношений. - М.: 1991. -158 б.

44. Нечаева А.М. Семейное право. Курс лекции. -М.: Юрист. 1998. -336 б.

45. Нечаева А.М. Семейный кодекс о правах и обязанностях родителей и детей.//Начальная школа. 1997. №9.

46. Нечаева А.М. Споры о детях. -М.: 1989. -120 б.

47. Орипова Х. Эъозланар оналар, ардоқланар болалар.//Халқ сўзи 2004 йил 6 апрел.

48. Орлов А.В. Права и льготы молодых работников.//Юрист. 2000. №5.

49. Отаҳўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995. -172 б.

50. Отаҳўжаев Ф.М. Васийлик ва ҳомийлик. Тўплам. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 2000.

51. Отаҳўжаев Ф.М. Никоҳнинг тугатилиши.//Қонун ҳимоясида. 1998. №12.

52. Отаҳўжаев Ф.М. Оила ва қонун.//Қонун ҳимоясида. 1997. №6. -33-34-бетлар.

53. Отаҳўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оила. -Т.: ТДЮИ. 2002. -132 б.

54. Отаҳўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. -Т.: Ўзбекистон. 1995. XIV-боб “Оила”, 63-66-моддалар.

55. Отаҳўжаев Ф.М. Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.//Соғлом авлод учун. 1998.

56. Отаҳўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. -280 б.